



halol.uz

Ҳаром амаллар

Шариатда жуда каттик кайтарилган, уни килиш мутлако дуруст бўлмаган амаллар харом амаллардир. Харом амални килган киши каттик гунохкор бўлади, икки дунё азобига учрайди. Гунох бўлишидан кўркиб, уни килмаган киши савобга эга бўлади. Харомнинг харомлигини инкор этиб, уни халол, деган киши кофир бўлади. Харом амал икки хил бўлади: зулмий харом ва зулмий бўлмаган харом. Зулмий харомнинг зарари ўзидан ташкари бошқаларга ҳам етадиган бўлади. Масалан, бировни сабабсиз кийнаш, сўкиш, молини ўгирлаш ва алдаш кабилар. Зулмий бўлмаган харомнинг зарари ўзидан бошқага тегмайдиган бўлади. Масалан, харом таомларни ейиш, харом ичимликларни ичиш каби. Бу икки харомнинг бир-биридан фарқи – зулмий харомни килган киши хар канча Аллох таолога тавба килса ҳам, зарар етган киши рози бўмагунича, гунохи кечирилмайди, аммо зулмий бўлмаган харом ишни килган киши астойдил афсусланиб, ихлос билан Аллох таолога тавба килса, унинг гунохи шу соатда кечириб юборилиш эҳтимоли бор. Масалан, бировнинг молини ўгирлаб ё талаб олган киши хар канча афсусланиб, тавба килса ҳам

мол эгасининг розилигини олмагунича Аллох таоло унинг гуноhini кечмайди. Чунки агар кечса, мол эгасига зулм килган бўлади. Аммо турли харом нарсаларни истеъмол килган киши қачон бўлмасин ихлос билан гунохидан тамоман тавба килса, шу соатда Аллох таоло унинг гунохидан ўтиш эҳтимоли бордир. Нега деганда, бу масалада ҳеч кимга жабр ёки зулм бўлмаётир. Аллох таоло мағфиратли ва раҳмли Зотдир. Ихлос билан тавба килган кишиларнинг тавбаларини қабул этишга Ўзи ваъда килган.

Мўмин-мусулмон бўлган кишиларга зулмий харом саналмиш қуйидаги машҳур амалларни асло килманг:

1. Сизни ўлдирмоққа қасд қилмаган кишини ўлдирманг.
2. Бировнинг ҳеч бир аъзосини кесиб олманг ёки уриб майиб қилманг.
3. Ҳеч бир жониворни оловга ташлаб қуйдирманг.
4. Фойдасиз бўлган, аммо зарари тегмайдиган хайвонларни ўлдирманг.
5. Хайвонларнинг юзига урманг.
6. Инсон ва хайвонларга харгиз зулм қилманг.
7. Бировнинг молига қўз олайтирманг ва ўгирламанг.
8. Ҳеч кимнинг молини талаб олманг (талончилик қилманг).
9. Бировнинг нарсасини узрсиз қўлга олманг.
10. Савдо-сотикда бировнинг ҳаққини ўз молингизга аралаштирманг.
11. Нуксонли ва айбли молни алдаб, яхши мол баҳосида сотманг.
12. Олган қарзларингизни тўланг.
13. Омонат олган нарсангизни ўзлаштириб олманг.
14. Хомилангизни дори ичиб ўлдирманг ва туширманг.
15. Етим ҳақиқа хиёнат қилманг.
16. Хизматингизни бажарган кишини тезда рози қилиб, ҳаққини бериб юборинг.
17. Бировдан сувни қизганманг.
18. Ёлгон сўзлаб ҳеч кимга зарар келтирманг.
19. Яхши нарса олиб, ўрнига ёмон нарса берманг.
20. Бировнинг айбини изламанг.
21. Бировнинг айбини ҳажв қилиб ёзманг.
22. Бировнинг айбини юзига солманг.
23. Гийбат қилманг.
24. Бировнинг устидан қулманг.
25. Бировга тухмат ва бўхтон қилманг.
26. Ўлган кишиларнинг айбларини айтманг.
27. Бировларнинг сўзлашини ё қиёфасини таклид қилиб, масҳара қилманг.
28. Ўликнинг баданини кесманг ва суяқларини синдирманг.
29. Мўмин кишини қофир деб сўкманг.
30. Бировни ота-онаси ёки зоти учун камситманг.
31. Зино қилмаган кишини зинокор деб сўкманг.
32. Тугилган болага шубҳа қилиб, мендан эмас, деманг.

33. Айбсиз кишиларни мансабдорларга чакманг.
34. Эр-хотинларнинг ўртасида сўз ташиманг, ўрталарини бузманг.
35. Бировнинг гапини бировга ўша одамнинг рухсатсиз ташиб чакимчилик килманг.
36. Икки душман томон ўртасида юриб, иккиюзламачилик (мунофиклик) килманг.
37. Икки дўст орасини бузадиган ҳаракатлар килманг.
38. Хайвон ва паррандаларни уриштирманг ва сузиштирманг.
39. Одамларга лакаб тўкиманг ва лакаблари билан чакирманг.
40. Бировларнинг гапларига яширинча кулок тутманг.
41. Бировларнинг гапини бўлиб, ўртадан чикманг.
42. Фойдасиз сўзларда енгилмаслик учунгина ўжарлик билан мунозара килманг.
43. Бировнинг ҳеч кимга зарари тегмайдиган яширин сирини халкка фош этманг.
44. Бор молингизни васият килаётганингизда хийла ишлатиб, уни кам килиб кўрсатманг.
45. Садака сўраб келган гадони жеркиб жўнатманг.
46. Бировга хазиллашиб ҳам тиг ўкталманг.
47. Фарзандларингизни, хотинингизни ва хизматчиларингизни кичкина айб учун каттик сўкманг.
48. Фарзандларингизга, хотинингизга ва хизматчиларингизга уларнинг кучлари етмайдиган ишларни буюрманг.
49. Эмизиш муддати тугамай туриб, чакалокни кўкракдан ажратиб кийнаманг.
50. Хизматчиларингизни ва кўл остингиздаги кишиларни кийнаманг.
51. Зарар етказиб, кўшнилариингизга озор берманг.
52. Салом берган ёки сизга мурожат килган кишини жавобсиз колдирманг.
53. Кўлингиздан келмаган ишни килишга ваъда берманг.
54. Мўмин кишидан зинхор ёмон гумон килманг.
55. Бировнинг уйига (деразасидан, эшик таркишидан, хатто очик эшикдан) рухсатсиз караманг (мўраламанг).
56. Бирон аёлнинг аъзоларига сурбетларча кўл текизманг.
57. Бировнинг уйига рухсатсиз девор ошиб тушманг.
58. Бировнинг хатини рухсатсиз ўкиманг.
59. Гувохлигингиз сўралганида, кўрган-билганингни яширманг.
60. Кўрмаган ва билмаган ишингизга гувохлик берманг.
61. Нохак бўлатуриб маҳкамаларга бориб, даъвогар бўлманг.
62. Золимлар зулмига ёрдам килманг.
63. Шариатга хилоф ҳукм айтманг.
64. Бирон нарсани баҳолашда бировга зарар келтирадиган нархни айтманг.
65. Фитна-фасод билан шугулланманг.
66. Озик-овкат маҳсулотларини арзон нархда олиб, киммат нархда сотманг.
67. Молингизни тегишли баҳосидан икки баробар кимматига сотманг.
68. Сотаётган молингизнинг айбларини айтмай, алдаб сотманг.
69. Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) ва бошка пайгамбарлар шаънларига лойик бўлмаган сўзларни айтманг.
70. Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи ва саллам) номларидан сохта ҳадис тўкиманг.
71. Ота-онанингизни мутлако ранжитманг.
72. Устозларингизни хўрламанг, ранжитманг.
73. Фарзандларингизга ва шогирдларингизга жабр-зулм килманг.
74. Хотинингизни ранжитманг.

75. Кариндошларингиздан ажралишиб кетманг.
76. Пайгамбаримиз Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) сахобалари хакида ёмон сўз айтманг.
77. Олимларни сўкманг ва хўрламанг.
78. Бировни хижолат килиб, уялтирманг.
79. Бировни беҳуда кўрkitманг.
80. Бировни алдаб, йўлдан оздирманг.
81. Алдаш нияти билан бировга хато маслахат берманг.
82. Йўлни казиб ёки сув бостириб, йўловчиларга азият етказманг.
83. Факир кишиларни факирликлари учун хўрламанг.
84. Хеч бир кишини алдаб, ичидаги сирини билиб олишга ҳаракат килманг.
85. Хеч кимни унда йўк яхши сифатлар билан мактаб, ёлгондан дўст кўрсатиб, тилёгламалик ва хушомад килманг.
86. Кизни ўзи истамаган кишига зўрлаб эрга берманг.
87. Хотинингизни ташлаб, тўрт ойликдан ошик сафарга кетманг.
88. Эрингизнинг уйидан сабабсиз кетиб колманг.
89. Иффатли хотинингизни зинокор деб ҳақоратламанг.
90. Бировни алдаб, текинга иш килдирманг.
91. Ваъдага хилоф иш килманг.
92. Хоким ва мансабдор бўлсангиз, кўл остингиздаги кишиларга зулм килманг.
93. Одил подшоҳнинг ҳақ ҳукмларига қарши чикиб, итоатсизлик килманг.
94. Пора олманг ва пора ҳам берманг.
95. Сехр-жоду ишлари билан шугулланманг.
96. Фолбинлик килманг.
97. Судхўрлик килманг.
98. Кимор ўйнаманг.
99. Гуноҳга кизиктирадиган шеърлар ёзманг.
100. Гуноҳга кизиктирадиган гапларни айтманг.
101. Жинсий эҳтиёжингизни шариатда буюрилмаган жой билан қондирманг.
102. Аёллар, эр кишилар бор жойда ярим ялангоч юрманг, номаҳрамлар хирсини кўзгатувчи ишлар килманг.

Сайфуллох АШУРОВ тайёрлади